ҒИЖДУВОНЛИКЛАР ХИРМОНИ

БУХОРО. Ғиждувонлик деҳқонлар вилоятда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажардилар. Улар 12 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтариб, Ватан хирмонига 41560 тонна пахта тўкишди. Бу муваффақиятга А. Ғиждувоний, С. Айний, Ф. Хўжаев, А. Навоий, Ҳ. Олимжон, Ибн Сино номли, "Зарафшон", "Гулистон", "Ўзбекистон" ва "Халқобод" хўжаликларининг миришкорлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Даврон БАҲРОНОВ.

СЎНГГИ СОАТДА

ЧОРТОҚЛИКЛАРГА — "НЕКСИЯ"

НАМАНГАН. Чортоқ тумани деҳқонлари вилоятда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини адо этдилар. Эл хирмонига 9 минг тонна пахта етказиб берилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 33 центнерни ташкил этди. Вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев деҳқонларни меҳнат зафари билан қутлаб, уларга аталган "Нексия" автомашинасининг калитини топширди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

ОИЛАЛАРДА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ

САМАРҚАНД. Пайариқ туманидаги Шомирзаевлар хонадонида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бошланғич ташкилоти тузилди. Кекса муаллим, шоир, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, оила саркори Бурҳон ака туман партия кенгаши матбуот котиби сифатида фаолият кўрсатмоқда. Оилада 10 нафар партия аъзоси бор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Раҳмат Бойзоқовга туман партия кенгаши биринчи котиби Э. Аҳадов партия нуфузини оширишда кўрсатган хизматлари учун Фахрий ёрлиқ топширди. Хонадоннинг беш нафар аъзоси ХДПга кирган.

Фармон ТОШЁВ.

СЎНГГИ СОАТДА

ОТА ВАСИЯТИНИ АДО ЭТИБ

ХОРАЗМ. Бобожон ота Қутимов уруш иштирокчиси. Ҳаёт аччиқ-чучукларини тотган фидойи инсон эди. Отанинг бирдан-бир ўғли Урганч туманидаги Арбоб ва Гойбу қишлоқлари оралиғидан ўтган катта Шавот каналига кўприк қуриш эди. Аммо ниятига етолмай, дунёдан кўз юмди. Фарзандлари эса оталари васиятини адо этиб, савобга қўл уришди. Улар мерос қолган "Волга" машинасини сотиб, пулига кўприк солдилар. Бу билан падарлари руҳини шод этиб, ҳамқишлоқларини беҳад қувонтирдилар.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 2 ноябрь, шанба № 141 (22.062).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Х. Р. ЖЎРАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Хайрулла Равшанович Жўраев Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 1 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Р. А. ГИНИЯТУЛЛИННИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ВА СТАТИСТИКА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Рим Абдулович Гиниятуллин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси раиси этиб тайинлансин ва шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 1 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор муносабатлари шароитида қишлоқ ва сув хўжалигини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш, тупроқ унумдорлигини, суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини яхшилаш ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш масалаларида уларнинг мустаҳкам ўзаро алоқасини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги ҳамда Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги негизида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилсин.

2. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги давлат бошқарув органи деб белгилаб қўйилсин ва унинг зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юклатилсин:

Суғориладиган ерлар унумдорлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган ягона стратегик сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Республика сув хўжалиги ташкилотларининг, лойиҳа-қидирув, илмий, гидрогеология-мелиоратив, тупроқ-ер тузилиши ҳамда таъмирлаш-қурилиш муассасалари ва корхоналари имкониятларидан ҳар томонлама оқилона фойдаланиш;

мамлакатимиздаги илғор тажриба ва жаҳондаги энг яхши ютуқларни уйғунлаштириб, қишлоқ ва сув хўжалигида ягона илмий-техникавий ва технологик сиёсатни юритиш;

қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги корхоналарининг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини оқилона ташкил этиш мақсадида уларнинг манфаатларини бирлаштириш;

аграр секторда бозор муносабатларини ривожлантириш, фермерлик ҳаракати ва хусусий ташаббускорликни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш, республика ҳудудида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг улгуржи ва майда улгуржи бозорларини ташкил этиш;

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши таркибини оқилона ташкил этиш, алмашлаб экиш ва экинларни навбат билан экишнинг мақбул схемаларини жорий этиш, бозор талабларига қараб экин майдонлари таркиби ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини бошқариш;

агросаноат мажмуи ҳолатини таҳлил этиш ва уни ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хомашё етиштириш ҳамда улар ҳаракатда бўладиган аниқ мақсадни кўзловчи дастур ва балансларини тузиш;

қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилигини, чорвачиликда наслчилик ишини ва ветеринария хизматини ташкил этиш, уруғлик сифатини, пестицид ва ўғитларнинг қўлланилиши, тупроқ эррозиясининг олдини олиш, ўсимликлар ва ҳайвонлар касалликлари тарқалишини назорат қилиш;

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳар томонлама механизациялаш, янги турдаги техника, машина ва механизмларни жорий этиш асосида уни интенсивлашни таъминлаш;

ер ва сувдан фойдаланувчиларнинг барча тоифаларида ер ва сувдан самарали фойдаланишни давлат йўли билан ҳисобга олиш ва назорат қилишни амалга ошириш;

қадимдан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва янгилаш, янги ерларни ўзлаштириш, суғоришнинг илғор усулларини жорий этиш чораларини ишлаб чиқиш;

экология муаммолари ва Орол денгизи ҳавзаси муаммоларини ҳисобга олиб, барча сув истеъмолчилари ва сувдан фойдаланувчилар манфаатларини кўзлаган ҳолда сув ресурсларини бошқариш;

катта каналлар, йирик сув омборлари ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари ва тизимларини давлат йўли билан бошқариш;

олий ва ўрта махсус таълимни ташкил этиш, фермерларни ўқитиш, ходимларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, агросаноат мажмуи соҳасида давлат кадрлар сиёсатини ўтказиш.

3. Жойларда Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоят ва туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари ташкил этилсин.

Қишлоқ ва сув хўжалиги ҳудудий бошқармалари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига ва тегишли ҳудуд ҳокимига бўйсуниши белгилаб қўйилсин.

Вазирлик таркибидаги мавжуд республика ишлаб чиқариш бирлашмалари, корпорациялар ва бошқа ташкилотлар сақлаб қолинсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари ер ва сувдан фойдаланиш турларидан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш шаклларидан қатъи назар, вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, корхоналар ва муассасалар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ижро этиши учун мажбурийдир.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги амалдаги қонун ҳужжатларини ушбу Фармонга мувофиқлаштириш учун уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини тузишга доир ташкилий масалаларни ҳал қилиш учун ташкилот қўмитаси тузилсин.

Ташкилот қўмитасига Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш, унинг таркиби, штатлар сони ва вазирлик тўғрисидаги Низом ҳақида Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини икки ҳафта муддатда тайёрлаш топширилсин. Қарор лойиҳасини тайёрлаш тоғида икки вазирлик негизида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчилар учун зарур рағбатлантирувчи шароит яратиши лозим бўлган мутлақо янги бошқарув органи барпо этилиши назарда тутилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 8 декабрда чиқарган «Ўзбекистон ССР агросаноат мажмуини бошқариш структурасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 107-Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 1 ноябрь.

«ТИКО» СИНОВДАН ЎТДИ

Яқинда «Халқ сўзи» газетасининг Сурхондарё вилояти бўйича ўз мухбири Тожиддин Раззоқов ўғлини уйлантирди. Тўйдан кейин бир гуруҳ меҳмонлар Узун туманига йўл олдик. Бунинг нимаси қизиқ экан, деб ўйларсиз. Бўлмаса эшитинг: тунги соат учларда Т. Раззоқов, «Оила ва жамият» газетасининг бош муҳаррири Абдукарим Раҳимбердиев, Холиқ Хурсандов ва яна икки киши Узунга «Тико» енгил автомашинасида етиб келишди. Буни кўриб ҳаммамиз лол бўлиб қолдик. Чунки, чамалаб қарасак, йўловчиларнинг умумий оғирлиги 650 килога яқин. Эртаси куни гап айланиб, яна кечаги мавзуга тўхталди. Шунда Тожиддин ака: машинада беш киши эмас, олти киши боргандик, деди қатъий. Биласиз, менинг вазним «бор-йўғи» 145 кило. Бир ўзимда икки йигитнинг оғирлиги бор, дея кулди. Шундай қилиб Асака автокорхонаси маҳсулоти бўлган «Тико» Сурхондарё йўлларида яна бир бор синовдан ўтди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятида

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК «ЭҲТИРОМ КИТОБИ»ГА БИР ГУРУҲ ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ НОМИНИ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Илгари хабар берилганидек, партиямиз Марказий Кенгаши Котибияти Президент И. А. Каримов бошчилигидаги республикамиз раҳбариятининг ислоҳотлар сиёсати, Ўзбекистон ХДП Дастури, Миллий истиқлол мафкураси қоидаларини тарғиб этиш ва рўёбга чиқариш, унинг обру-эътиборини оширишга шахсан катта ҳисса қўшаётган ХДП фаолларини рағбатлантириш, уларнинг ибратли ишларини тарғиб қилиш мақсадида ҳамда партия ташкил топганлигининг беш йиллиги муносабати билан МК «Эҳтиром китоби»ни таъсис этган эди. Яқинда Котибият Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашларининг таклифларини кўриб чиқиб, бир гуруҳ фаоллар номини Ўзбекистон ХДП МК «Эҳтиром китоби»га киритишга қарор қилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, ХДП МК аъзоси Абдулла ОРИПОВ, меҳнат фахрийси, Ўзбекистон ХДП Бешариқ туман кенгаши ижроия бюроси аъзоси Собиржон АСҚАРОВ, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти доценти, вилоят партия кенгашининг жамоатчилик асосидаги маслаҳатчиси Ортиқ ВАФОЕВ, Жиззах шаҳар фахрийлар кенгаши раиси, шаҳар партия кенгаши аъзоси Ваҳоб ЖАЛИЛОВ, Чирчиқдаги «Электркимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлим бошлиғи, БПТ котиби ўринбосари Саттор ЁҚУБОВ, Ўзбекистон ХДП Нукус шаҳар кенгаши котиби Виктор ЛУЦЕНКО, Тошкент молия институти кафедра мудири, Мирзо Улуғбек туман партия кенгашининг жамоатчилик асосидаги тарғибот гуруҳи раҳбари, профессор Нормурод МАМАТОВ, Урганчдаги ал-Хоразмий номли 5-маҳалла фуқаролар йиғини раиси, шаҳар партия кенгаши ижроия бюроси аъзоси Онабиби МАТКАРИМОВА, Самарқанд вилоят руҳий касалликлар шифохонаси БПТ котиби, шаҳар партия кенгаши ижроия бюроси аъзоси Жўра НАЗИРОВ, Шаҳрисабз қишлоқ хўжалигини механизациялаш коллежи ўқитувчиси, БПТ «Маърифат» маркази раҳбари Мажит НИГМАТОВ, Наманган давлат университети проректори, вилоят партия кенгаши ижроия бюроси аъзоси Наимжон РАҲИМОВ, Мирзаоболддаги 21-ўрта мактаб директори, туман партия кенгаши аъзоси Баҳодир РОЗИҚОВ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Сурхондарё вилоят Бош бошқармасининг бош мутахассиси, Термиздаги 5-ҳудудий БПТ котиби Саттор ҚОДИРОВ, Андижон қишлоқ хўжалиги институти доценти, Куйганёр шаҳарчаси ҳудудий партия ташкилоти котиби Собиржон ШОКАРИМОВ, Хатирчидаги 7-ўрта мактаб ўқитувчиси, туман партия кенгаши «Маърифат» маркази раҳбари ўринбосари Раҳмон ХОЛМУРОДОВлар ана шундай юксак шарафга биринчи бўлиб эришдилар.

Номлари «Эҳтиром китоби»га киритилган фаолларимизга эҳтиромлар бўлсин!

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

СОЛИҚДАН ҚОЧДИМ ДЕДИ-Ю...

Шу юрт тупроғида яшаб, унинг бетакрор неъматларидан, имкониятларидан фойдаланиб, даромад топган одам шу мамлакат ривожи учун даромадининг тегишли қисмини топширади. Бу азал-азалдан давом этиб келаётган, қатъий қонунга айланган тартиб. Аммо қонунни бузиб, топганини сичқон уясига яширгандек яшириб, солиқ тўлашдан қочиб юрганлар топилади.

Данғара туманидаги «Мебелсоз» хусусий корхонаси бошлиғи А. Ўлмасов ўтган йили воситачилик йўли билан 364 минг 136 сўм мўмай даромад олдию, солиқ инспекцияси идорасини четлаб ўтадиган бўлди. Солиқчилар ҳам анойи одамлар эмас. Бир неча марта унга қонун бўйича давлатга 67 минг 173 сўм тўлаши лозимлигини эслатишди. Аммо Ўлмасов деганлари ўта муғомбир чиқиб қолди.

Ажабо!

Устига устак савдо фаолияти билан шуғулланиб топган нақд пулларни ҳам банкка топширмай, солиқ тўланадиган манбани атайин яшириб келаверди. Яқинда ўтказилган текширишда «уддабурон тадбиркор» олти ой давомида давлатга нақд 97 минг 12 сўм солиқ пулини тўламай юргани аниқланди.

Худди шу тумандаги «Бузрук» фирмаси раҳбари Ш. Неъматов эса 1995 йил юзасидан берган ҳисоботида оз эмас, ярим миллион сўмдан зиёд даромадни яширибди. Оқибатда давлат бюджетига тушмай, одамларга маош тарзида тарқатиладиган 129 минг сўм пул Неъматовнинг ҳамёнида «семириб» тураверган. Қилни қирқ ёрадиган солиқчилар туман прокуратураси билан биргаликда бундай қонунбузарликка ҳам чек қўйишди. Одил суд солиқ тўлашдан бўйин товлаб, кўзбўямачилик билан бойлик тўплашга рўжу қўйган А. Ўлмасовни уч йил муддатга озодликдан маҳрум этиб, мол-мулкини давлат фойдасига мусодара қилди. Ш. Неъматовнинг иши ҳам судда кўрилади.

Ҳа, бу солиқ тўлашдан қочиб, темир панжара ортига кириб қолиш мумкинлигини ёддан чиқарган айрим «тадбиркор»ларга бу ҳол аччиқ сабоқ бўлса ажаб эмас.

Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



ГАШТ.

Шоназар ИБРОҲИМОВ олган сурат.

ЯНГИ ГАЗ ҚУВУРИ ИШГА ТУШДИ

Венгрия ахборот агентлигининг хабар қилишича, Венгрия Бош вазири Дьюл Хорн ва Австрия канцлери Франц Враницки Венгриянинг шимолий ғарбидаги Дьор ва Австриянинг Баумгартенни бирлаштирувчи 117 километрлик газ қувури очилиши маросимида қатнашдилар. Венгерлар янги газ йўналиши очилиши Россия энергия манбаларига қарамликдан қутқаради, деб ҳисоблашмоқда. Венгрия ҳукумат, нефть ва газ компаниялари бу газ ўтказиш лойиҳасига 4 миллиард форинт (69 миллион доллар) сарф-харажат қилди.

ЯНГИ САЙЛОВ ОЛДИДАН

Руминияда чиқадиган газеталарда ёзилишича, Руминия Социал демократик партияси (РСДП) ва Президент Ион Илиескуснинг обрў-эътибори кейинги 40 кун ичидаги сўровлар натижаларига қараганда анча тушиб кетганини яққол кўрсатмоқда. «День» газетасининг таъкидлашича, ўтказилган бу сўровлар жамоат фикрини ўрганишдан кўра партиянинг ўз мавқеини қайта тиклашга яна бир уринишидир. «Новости дня» газетаси эса бу сайловолди компаниясида миллий телестудияни демократия конвенцияни ҳамда унинг номзоди Эмилия Константинескунинг фаолиятини бир ёқлама ёритганликда айбламоқда.

Обуна — 97

МУКОФОТГА — ГАЗЕТА

Шу йилнинг октябрь ойидан бошлаб республикамизнинг барча почта алоқа боғланмаларида мамлакатимизда чиқаётган газета ва журналларга 1997 йил учун обуна давом этмоқда. Бизнинг Чироқчи туманимизда ҳам обуна ишлари яхши йўлга қўйилган. Газетхонлар ўзлари севган нашрларга обунани расмийлаштиришмоқда.

Ўтган йили бизнинг почта алоқа боғланмамиз жамоаси ходимларидан 10 кишини севимли газетамиз «Ўзбекистон овози»га обуна қилган эдик. Бу йил ҳам шу анъанани давом эттириб, ушбу газетага алоқа боғланмамизда кўп йиллардан бери самарали ишлаётган бешта ходимимизга 1997 йил учун обуна квитанциясини бепул мукофот тарзида топширдик. Яна имконият топсак шунча кишини доимий ҳамроҳимиз «Ўзбекистон овози» газетасига обуна қилиш ниятимиз бор.

Кенжа ЖУМАНОВ, Чироқчи тумани почта алоқа боғланмаси бошлиғи.

Ўзбекистон ХДП беш ёшда

БУНЁДКОР ҲАРАКАТЛАР ПАРТИЯСИ

Газетамизнинг ўтган сонида Ўзбекистон ХДП беш йиллиги муносабати билан бир гуруҳ партия фаолларига сўз берилган эди. Улар партиянинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва мавқеи, кенг қамровли ислоҳотлардаги иштирокини янада кучайтириш, аҳоли сиёсий фаоллигини оширишга қўшажак ҳиссаси, ХДП олдидаги муаммо ва вазифалар, уларни ҳал этиш йўллари хусусида ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Бугун ушбу мавзуни давом эттирамиз.

МАҚСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИ

Акром МЎМИНОВ,
Самарқанд Давлат тиббиёт институти ректори,
Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби

Партиямиз ташкил топган дастлабки пайтларни яхши эслайман. Собиқ Коммунистик партиянинг ҳукмрон мафкураси инқирозга учрагандан сўнг, одамлар орасида мафкурага етқараш, гоявий парокандалик ва саросималик ҳоллари юз берди.

Мафкурасиз ҳаёт кечириш, умуман, жамият қонунига зид ҳодисадир. Тўғри, партиямиз ўзининг ташкилий шаклланиш даврида қўли бўшамай, мафкура билан жиддий шуғулланолмади. Аммо, ҳеч ким бизни гоясизликда айблай олмайди. Чунки, партиямиз Дастурида олижаноб мақсадлар билан йўғрилган гояларимиз, даъваткор шиорларимиз бор эди-да!

Юртбошимиз чақиригига жавобан Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг Миллий истиқлол мафкурасини ишлаб чиқишга киришди ва, ўйлайманки, бу иш муваффақиятли уддаланди. Марказий Кенгаш аъзоси сифатида унга доир нуқтаи назарни муҳокама қилишда қатнашганлигим билан чексиз фахрланаман. Мафкуравий соҳадаги дастуриламал аҳамиятга молик бу муҳим ҳужжат ХДП ташкилотларида оммавий-сиёсий ишларни қучайтириш учун мустаҳкам гоявий - назарий асос бўлиб қолди. Партия тузилмаларининг мазкур йўналишдаги фаолияти, у туфайли, аниқлик касб этди.

Дарҳақиқат, жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, йигит ва қизларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримиз, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол гояларига садоқат руҳида тарбиялаш — барча ислоҳотларнинг ҳал этувчи омилидир.

Партиямиз Миллий истиқлол мафкурасининг таркибий қисми бўлган бу қоидалар жойларда, масалан, бизнинг институтда қай тарзда руёбга чиқарилмоқда? Аввало шуни айтиш керакки, жамоамиз бу борада ўз ўқув - илмий салоҳиятидан тўла фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

Талабалар ўртасида қатъий дастур ва режа асосида тарбия соатлари, ахлоқ - одобнома дарслари, илмий ва амалий анжуманлар, суҳбат, мунозара, савол-жавоб кечалари ўтказиб турилибди. Юртимиз ва халқимиз тарихини урганишга катта эътибор берилмоқда. Бу ишларга институтимизнинг 550 дан ортиқ профессорлари, фан докторлари, фан номзодлари ва оддий ўқитувчилари кенг жалб этилган. Яқинда бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб, институтимиз ижтимоий фанлар кафедралари ходимларининг фаол иштирокида, йирик анжуман ўтказилди.

Институтимизнинг тарбиявий ва жамоатчилик ишлари бўйича кенгаши таркибига эса, барча проректорлар ва деканлар қаторида, талабалар ўртасида обру-эътибор қозонган тажрибали педагоглар ҳам киритилган. Ушбу кенгаш институт ходимлари томонидан олиб бориладиган тарбиявий ишларни узаро мувофиқлаштиради, йўналтиради ва назорат этади.

Айни пайтда, олий ўқув юртимиз қошида замонавий талабларга жавоб бера оладиган тиббиёт тарихи музейи ташкил этилган. Унда, институт ўтмишига оид ҳужжатлар билан бир қаторда, Марказий Осиёда тиббиётнинг ривожланишини кўрсатувчи қизиқарли маълумотлар ҳам бор.

Музей Ватанимиз тиббиёти тарихидан билим ва таълим-тарбия берадиган масканга айланиб бормоқда. Унинг негизида маънавият марказини барпо этиш ниятларимиз ҳам бор.

Буларнинг барчаси, шубҳасиз, талабалар маънавий дунёсини бойитишга, маънавиятнинг эса, буюк келажак сари олға силжиш, фаровон турмушга тезроқ етишиш йўлидаги аҳамиятини чуқур идрок этишга қумаклашади.

ПАРТИЯ ИШИДА МАЙДА - ЧУЙДА ЙЎҚ

Анатолий ОВЧИННИКОВ,
«Ўзбошгидромет» бошлиғи ўринбосари, Юнусобод туман партия кенгаши ижроия бюроси аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология Бош бошқармаси ходимлари учун мамлакат ижтимоий - сиёсий ҳаётида фаол ва манфаатдорлик билан қатнашиш — анъанавий одат. Ўзбекистон ХДП ташкил топган дастлабки кунлардаёқ тузилган бошланғич ташкилотимиз турли йўналишда иш олиб бораётир. Мамлакатимиз раҳбариятининг мустақилликни мустаҳкамлашга қаратилган оқил сиёсати моҳиятини жамоамиз аъзоларига тушунтириш, сайловларда партиямиз номзодларининг сайловчилар томонидан қўллаб - қувватланишини таъминлаш, туман ҳудудини ободонлаштиришда иштирок этиш, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини йиғиштириб олишда деҳқонларга кўмаклашиш шулар сирасига киради. Айни пайтда, биз кўпмиллатли жамоамизда байналмилал тарбияни кучайтиришни, тотувлик ва иноқликни, тартиб-интизомни мустаҳкамлашни, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилашни ўз фаолиятимизнинг устувор йўналиши, деб биламиз.

Қишлоқда ислоҳотлар бориши, иқтисодий ва агросаноат мажмуаларининг ўтиш даври қийинчиликларини бартараф этиш соҳасида олиб бораётган ишлари жамоамиз олдига янги-янги вазифаларни қўймоқда. Об - ҳаво, дарёлар оқими, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини шакллантиришнинг агрометеорологик шароити ҳақидаги маълумотларнинг аниқлиги ва батафсиллигига нисбатан талаблар борган сари ўсмоқда. «Ўзбошгидромет» мана шундай шароитда, муайян иқтисодий қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистон халқ хўжалиги барча тармоқларини гидрометеорологик жиҳатдан таъминлаш бўйича катта ва фойдали ишларни олиб боряпти. Бу ишларнинг олдинги сафида ХДП аъзолари бораётганлиги қувонарлидир.

Эндигина беш ёшга тўлган партиямизни тирик организмга қиёс қилиш мумкинки, у жамиятимизнинг янги сиёсий кучлари қатори ривожланмоқда ва ўсмоқда. Олий Мажлис сессиясида биринчи ўқишда қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси бизга сиёсий партияларнинг жамиятимиздаги ўрни ва мавқеини янгича мушоҳада этиш имконини беради.

Мураккаб ўтиш даврида мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларга, уларни юксак ватанпарварлик ва байналмилалчилик ғоялари асосида тарбиялашга эътиборни кучайтириш зарур, деб ҳисоблайман. Шундан келиб чиқиб, партиямизнинг ёшлар қанотини шакллантириш ҳақидаги масалани ўйлаб кўриш, бунда Австрия ва Германиядаги турдош партияларнинг тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Жамиятдаги туб ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга доир аниқ - равшан таклифлар керак. Ана шу жараёнларда ХДПнинг ўрни ва иштирокини ишонарли мисоллар орқали кўрсатиш зарур, деб ҳисоблайман.

Партия аъзоси бўлган депутатлардан фаолроқ ҳаракат қилиш талаб қилинади. Бу — жамоатчиликда ХДПнинг ҳаётий муҳим муаммоларни самарали еча олиши тўғрисида ижобий фикр туғдиради. Партиямиз ташкилотлари ушбу масалаларни ҳал этишга эътиборни кучайтирсалар, айни муддао бўлур эди.

ТАДБИРКОР – МАДАДКОР

Маҳмуджон ҚОДИРОВ,
Андижондаги хусусий «Муштарий» фирмаси директори, «Яхши» маҳалла ҳудудий бошланғич партия ташкилоти котиби

ХДП бошланғич ташкилоти бизда 1992 йил ноябрь ойида ташкил топган. У ўтган йили ҳудудий БПТ мақомини олди. Ҳозир 35 нафар ХДП аъзосини бирлаштирган ташкилотимиз бир неча цех партия ташкилотларига бўлинган ҳолда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Маълумки, мустақиллик йилларида халқимизнинг тарихий анъаналари ва тафаккур тарзига мувофиқ, фукаролар ўз - ўзини бошқарувининг муҳим жамоатчилик органи — маҳалланинг мавқеи қайта тикланди. «Яхши» маҳалла фукаролари йиғини, ХДП ҳудудий бошланғич ташкилоти билан ҳамкорликда, одамлар ўртасида яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва инсонпарварлик муносабатларини тарбиялашда, аҳолининг эҳтиёжманд табақалари манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга яқиндан ёрдам кўрсатишда хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Кейинги йилларда ёшлар ва хотин - қизлар билан ишлаш комиссиялари билан ҳамкорликда олиб борган фаол ҳаракатимиз туфайли кўчаларни ободонлаштириш, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш, тозаликка риоя қилиш масалаларига эътиборни кучайтирдик. «Энг яхши кўча», «Энг яхши хонадон»ларни жамоатчилик вакилларидан иборат махсус комиссия аниқлаб, ғолиблар рағбатлантирилмоқда, уларнинг ишидан бошқалар ибрат олмоқдалар.

Халкимизнинг, мустабид тузум даврида унутилаёзган, ҳунармандчилик намуналарини сақлаб қолиш ва, айни пайтда, ишсиз аҳолини ижтимоий ҳимоялаш максадида янги ишчи ўринларини ташкил қилишни кўзлаб, «Муштарий» ишлаб чиқариш фирмасини ташкил этдик. Тўғри, унинг ишини бирданига юргизиб юбориш анча қийин бўлди. Лекин, БПТ ва фукаролар йиғинининг қатъий ҳаракатлари туфайли маҳалламиздаги тадбиркор, ишбилармон фукароларнинг кўмагида, фирма ишини йўлга қўйдик. Унда кўнчилик, косибчилик, кассобчилик, тикувчилик касблари бўйича 18 нафар ишсиз киши фойдали меҳнатга жалб қилинди. Маҳалламизда якка тартибда фаолият кўрсатаётган фукароларни бирлаштириб, ёшларга миллий ҳунармандчилик сирларини етказишни ҳам максад қилиб қўйганмиз.

«Муштарий»нинг даромад ва буромадидан келиб чиқиб, маҳалладаги ким кувват, ёрдамга мухтож, бокувчисини йўқотган оилаларни, ёлғиз карияларни ижтимоий мухофазалаш борасида бир мунча ишларни амалга оширдик. Масалан, ўтган йили ва шу йилнинг 9 ойи давомида катор кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бердик, бокувчисини йўқотган хамда ёлғиз ўзи турадиган 7 оиланинг хонадонларини таъмирлашга кўмаклашдик, «Наврўз» байрами муносабати билан 14 кишига ун, гуруч, ёғ, шакар таркатилди. 5 нафар ёлғиз яшовчи фукаролар йилнинг хар чорагида бепул гўшт билан таъминланиб турилибди. Худуддаги новвойхона кам таъминланган айрим оилаларга хар куни нон етказиб беряпти.

Юкоридаги ишларни амалга оширишда ХДП аъзоларидан Б. Курбонова, С. Каюмов, Д. Жалолиддинов, «Яхши» маҳалла фукаролар йиғини раиси, ХДП аъзоси Т. Курбонов кабилар сидкидилдан фаолият кўрсатишяпти.

Биз маҳалламизни шахримиздаги энг яхши маҳаллалар каторига қўшиш, худудий бошланғич партия ташкилотимизда тадбиркорликни ривожлантириш, ХДП сафини эътикодли, жонкуяр кишилар хисобига тўлдириш, республикамизда олиб борилаётган ислоҳотларда фаол қатнашишни таъминлаш йўлида астойдил ҳаракат килаверамиз.

Мана буни лимон деса бўлади.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Мавзуга қайтиб

БЕШАРИҚ БАЛИҒИ

Бешариқ туманининг Сирдарё соҳилларига туташган ерларида 415 гектарли қўллар бор. 80-йиллар бошларида бу ерда Фарғона балиқчилик хўжалиги ташкил этилган эди. Ҳозир бу хўжалик вилоятдаги энг йирик балиқ етиштирувчи корхоналардан бирига айланди. Бу ерда ҳар йили 500—600 тоннадан орттириб балиқ тайёрланади ва эл дастурхонига етказиб берилади. Хўжалик ўтган йили 3 миллион 600 минг сўм соф фойда олган эди. Бу йил эса фойда 5 миллион сўмдан кам бўлмайди. Рентабеллик даражаси эса 30—40 фоизни ташкил этади.

Балиқчилар бозор иқтисодиёти шароитларига тез мослашдилар. Ҳозирги пайтда вилоят шаҳарларида хўжаликнинг бешта фирма дўкони бор. Бешариқликлар ҳатто қиш мавсумида ҳам балиқ тутиб истеъмолчиларга етказиб беришнинг уддасидан чиқдилар. Ўтган қишда 100 тоннага яқин балиқ сотилган эди. Ҳа, Бешариқ денгизу-океанларга туташ эмас-у бироқ балиқлар бисёр.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ГАП БОШҚАЮ ИШ БОШҚА ЭКАН-ДА...

Газетани маънавият сарчашмаларидан десак муболаға бўлмас. Ўзини билган, маънавиятини, савиясини бойитишга ҳаракат қилган раҳбар борки, сўзсиз оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларни кузатиб, радио-телевидениега қулоқ солиб туради. Умуман, имонли инсоннинг тили билан дили бир бўлади. Ҳамиша инсоф ва андиша билан иш юритиб, субутсизликка йўл қўймайди. Назаримизда, пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ҳамда шаҳар бош ободонлаштириш бошқармаси мутасаддилари сўз ва иш бирлигига амал қилишмаяпти.

Бир мавзу, қолаверса, бир жойдан неча маротаба газетада танқидий фикр айтиш мумкин. Газетамизнинг ўтган йил 30 ноябрь сонида «Боқувсиз боғ тоғ бўлар», шу йилнинг 4 апрель сонида эса «Эски ҳаммом, эски тос» сарлавҳалари остида танқидий мақолалар эълон қилинган эди. Ҳар икки мақолада ҳам С. Есенин кўчасидаги маҳалла аҳли дам олишига мўлжалланган кўркам хиёбоннинг ҳаробага айлангани, эътиборсизлик оқибатида ахлатлар хирмони юзага келгани ҳақида фикр юритилган эди. Афсуски, бу чиқишлардан кейин ҳам ҳеч қандай ўзгариш юз бермади. Демак, туман ҳокимлиги, қолаверса, шаҳар бош ободонлаштириш бошқармасидаги ўртоқлар газета ўқишмаган ёки «қўл силтаб» қўя қолишган. Бўлмаса, таҳририятимизга эътирозли ёки эътирофли мактуб йўлланган, жилла бўлмаса телефон қилинган бўлар эди.

Яхши ниятда шаҳар бош ободонлаштириш бошқармасига газетада босилган мақолага муносабатингизни билдирсангиз деган умидда мурожаатнома йўллаган эдик. Ҳайтовур орадан бир ой ўтгач, «Эски ҳаммом, эски тос» танқидий мақолага жавоб тариқасида мазкур бошқарма бошлиғининг ўринбосари Г. Рустамов имзоси билан мактуб келди. Жавобда келтирилишича, танқидий мақола жойида муҳокама қилинган, қатор тадбирлар белгиланган. Хусусан, дарахтларга шакл берилиб, ариқзовурлар тозаланган. Маиший чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб кетиш йўлга қўйилган. Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги билан биргаликда бу ерда доимий тартиб ва тозалик бўлишини назоратга олиш йўлга қўйилган.

Жавобдан бироз кўнглимиз сув ичгандай бўлди. Лекин, ҳар эҳтимолга қарши маъносида ўша боғни бориб кўрдик. Инсофсизлик ҳам шунчалик бўладими? Ҳеч бўлмаганда ахлатлар солишга мўлжалланган темир қутилар ҳам кўзга ташланмайдия. Файзсиз, кўримсиз манзара ҳафсалани пир қилади. Ахлат ва ҳазонлар уюми тоғ-тоғ бўлиб ётибди. Ёниб-ёнмаганидан, атрофни тутун босган. Шикоятли кўнгироқлар эса авжга чиқмоқда. Нима, ахлат ташувчи машиналар шу ерга келганда чап бериб ўтишадими? Наҳотки, бош ободонлантириш бошқармаси ёки туман ҳокимлигидаги шу ишга дахлдор кишилар бу томонлардан ўтаётиб ҳунук манзарага бир назар солишмаса?! Ўйлаймизки, маҳалла аҳли, ҳокимлик ва ободонлаштириш бошқармаси мутасаддилари ҳамфикр бўлсалар, муаммога ўрин қолмасди.

Мирзо АНВАР.

Хорижда

ВАЗИРНИНГ ИЛК БАЁНОТИ

• Мальта ташқи вазири Жорж Велла ўз мамлакати НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастуридан чиқишини маълум қилди. Бу мамлакатда янги ҳукумат сайлангандан кейин ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбарининг берган илк баёноти бўлди.

Маълумки, ўтган шанба куни парламент сайловларида лейбористлар партияси галаба қозонганидан сўнг, унинг етакчиси Альфред Сант Мальта ва Европа Иттифоқи ўртасидаги интеграция жараёнини тўхтатиш, НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастуридан чиқиш ғояларини илгари сурган эди.

АНЖУМАНГА ТАШРИФ

• Фаластин раҳбари Ёсир Арафот Испания пойтахтига ташриф буюрди. У Испания ҳукумати томонидан Яқин Шарқ муаммоларини тинч йўл билан ҳал этишга бағишлаб ўтказилган конференциянинг 5 йиллиги муносабати билан таклиф этилган. Мазкур анжуманга Исроил Бош вазири Биньямин Нетаньяху ҳам таклиф этилган.

Маҳаллий кузатувчиларнинг фикрича, Ёсир Арафот исроил-фаластин музокаралари жараёнидаги айрим муаммоларни ҳал этиш учун Испания ҳукумати кўмагидан фойдаланиш ниятидадир.

«ЁЗУВЧИ» — ҲАММАНИНГ ГАЗЕТАСИ

Мамлакатимиз газетахонлари куни кеча яна бир даврий нашрнинг нишона сонини қўлга олдилар. Бу Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси адабиёт тарғибот марказининг газетаси «Ёзувчи» бўлиб, унда буюк меросимизга ихлосдан тортиб бугунги муаммолару эртанги режалар ҳақида сўз юритувчи турфа жанрдаги мақола, лавҳа, шеър ҳамда суҳбатларни ўқишингиз мумкин. Газетанинг нишона сони Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 октябрь куни Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси президенти, атоқли ёзувчи Чингиз Айтматовни қабул қилганлиги ҳақидаги хабар билан бошланади. Мазкур газета бошқа адабий бадиий нашрлардан қай жиҳатлари билан фарқ қилади, умуман «Ёзувчи» қандай эҳтиёж туфайли юзага келганлиги ҳақида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов билан суҳбатдан билиб олиш мумкин. Янги тўлган нашр хусусида Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, газетхон Зулфия Гадоева, «Ёзувчи» нашриёти директори Ҳожиакбар Шайхов ва бошқаларнинг фикрлари берилган. Ёзувчи Йўлдош Эшбекнинг «Бизда ҳур фикр маҳв этилмайди» мақоласи қайси мавзуда эканлиги унинг сарлавҳасидан кўриниб турибди. Хассос шоир Шайхзоданинг нурли сиймосини тасаввур қиламан десангиз Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг «Дилбар шоир эди у» мақоласини ўқинг. Шунингдек, Вафо Файзулланинг «Чақмоқ ёруғида ёзаман», Назар Эшонқулнинг «Китоб сехри», Шодмонбек Отабекнинг «Дўрмон ҳангомалари» каби битиклари, Асқад Мухтор, Азим Суюн, Зулфия Мўминова, Жуманиёз Жабборов, шеърлари газетхонни ўзига тортади. Айни пайтда таниқли ёзувчи Омон Мухтор ва республика муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш Давлат вакиллиги раисининг ўринбосари Бобоқул Тошевлар билан қилинган суҳбатлар ҳам маънавий оламимизни янада бойитади.

Адиб ва китобхон ўртасидаги узвийликни мустаҳкамлашни мақсад қилиб олган янги бир минбар — «Ёзувчи» газетаси муборак бўлсин!

Хабарингиз борми?

ОИЛАВИЙ ЎҒРИЛАР

Ҳукм қилди

Шаҳар суди маҳкамаси эшиги олдидаги тирбанд оломонни кўриб, беихтиёр тўхтадим. Оилавий ўғриларни суд қилишаётирлар, деди кимдир. Ичкари кирдим. Судья ҳукм ўқиётган эди:

«Юқоридаги жиноий ишлари учун Гулрўҳсор Матқосим қизи мол-мулки мусодара қилиниб, ўн етти йил озодликдан маҳрум қилинсин...»

Темир панжара ортида олти нафар жиноятчиларнинг олдинги қаторида бош эгиб турган ўрта ёшлардаги жувонга нигоҳим қадалди. Уни кўришим билан юрагим орқага тортиб кетди. Шу аёлни қаердадир учратгандим... Ҳа, эсладим. Шу йил баҳор кечаларидан бирида санъаткор аёл ошнам билан бизникига келишганди. Дастурхон атрофида ўн-ўн беш дақиқалар чамаси шеър-қўшиқ борасида қисқагина суҳбат бўлди. Нотаниш аёл гапга деярли аралашмади. Кўз қири билан хонанинг у ён-бу ёнига, дераза-эшикларига қараб-қараб олганлари менга сал эриш туюлгандек бўлди-ю, лекин парво қилмадим. Шу орада ташқарига чиқиб келиш учун ўрнидан турди. Қизим бошлаб чиқди. Мен суҳбатдошимга савол назари билан қарадим. У мени тушунди ва «қайсибир туйда танишгандим. Йўлда келаётиб учрашиб қолдик. Сизникига келаётганимни эшитиб, ёпишиб олди», деди. Мен ҳеч нима демадим. Аёл сал ўтмай, кириб ўз ўрнига ўтирди. Суҳбатимиз чўзилмади. Санъаткор аёл янги ёзган шеърларим ичидан иккитасини танлаб олиб, тез орада куйга солажагини айтиб, кетишга рухсат сўради. Фотиҳага қўл кўтарилди.

Улар кетгач, қизим тааммжубда қизиқ хотин экан, ташқарига чиқиб, киргунча атрофга аланглайди, гоҳ ичкари хоналарга, деди.

— Аёл ҳалқи табиатан қизиқувчан бўлади — дедим мен ҳеч бир ёмон ҳаёлга бормай, бепарвогина. Энди ўйлаб қарасам... Наҳотки у бизникига шу ниятда кириб келган?..

— Э ука, нега анграйиб қолдингиз, — деди ёнбошимда турган биттаси қўлимдан тутиб, саломлашаркан.

— Эгам ака, сизмисиз, бу ёқларда юрибсиз? — дея мен ҳам ундан сўрадим.

— Судга гувоҳ сифатида келдик?

— Гувоҳ?

— Ҳа. Шу аёл билан яқиндан танишиш-билиш эдик, РайПО дўконларидан бирида сотувчи бўлиб ишларди.

Ярим йилча илгари йиғлаб уйимизга келди: йигирма минг сўм қарз сўради. Йўқ даёлмадим. Раҳматини айтди. «Янги иморат қурибсиз муборак бўлсин», деди. Видеомагнитафон қўйиб бердим. «Менинг ҳам, худо буюрса, шундай уй қуриш ниятим бор, бичимини бир кўрайлик» деб ўрнидан турди. Ёмонлик фикри-ўйимда бўлмагач, «хўп», дедим. Хотиним хоналарни, боғчани, айвончани, ҳуллас ҳамма жойни бир-бир кўрсатибди. Хурсанд бўлиб кетди. Шундан икки ой ҳам ўтмади, шекилли, тушга яқин уйимизни талаб кетишибди. Видеомагнитафон-у видеокамера, хотинимнинг, қизим-келинимнинг тилла тақинчоқлари, туркман гиламлари — барини ўмариб кетишган. Хоналар шип-шийдон. Ноинсофлар, тўрт юз минг сўмлик бисотимизни ўмаришган... Лекин мен бу аёлдан асло гумон қилмаганман. Бироқ ҳаммаси шу хотиннинг иши экан. У бошчилигида фарзанди, эри яна иккита ёрдамчилари, шу ишни қилиб кетишибди. Тавба, ишонадиган гап эмас. Мана энди билсак, Гулрўҳсор бошчилигида 6-7 йилдан бери ўғрилик, талончилик билан шуғулланишаркан булар. Қаранг-а, бизникидан бошқа яна ўн етти хонадонни ўмаришибди. Ўн саккизинчисида қўлга тушганлар... Билсангиз эди, неча одамларни қон-қақшатган булар, қўл-оёғини танғиб, уриб-янчиб кетишган...

Эгам ака атрофдагиларни кўрсатиб, деди: «Мана, улар ҳам худди менингдек, судга гувоҳ сифатида чақирилганлар...» Қизиқ-да, бировлар югурса-елса, меҳнат қилса, мол-давлат тўпласа. Буларга ўхшаш айрим нокаслар эса тайёрга айёр бўлиб, ўмариб кетаверишса...

Судья Гулрухсорнинг битта фарзандига уч йил, иккинчи фарзанди ҳамда «эри»га 18 йилдан... қамоқ жазоси тайинлабди.

Йигитларга бир-бир қараб олдим. Тоғни урса талқон қила оладиган, бақувват. Бундай қараганда, қўй оғзидан чўп олмайдиган мўмин-қобил болаларга ўхшайдилар.

Фарзандига 18 йил қамоқ жазоси тайинлаганини эшитиши ҳамоно «ялт» этиб ўғилларига бир лаҳза қараб олди. У кўрдики, адолатли ҳукм юракларига найзадек қадалганиданми, фарзандларининг боши ердан кўтарилмасди. Шу он ўзиданми, уни дунёга келтирган онаданми, нафратланиб турган ўғли, кўзлари ёниб онасига еб қўйгудек тикилди. Хаёлимдан «Бир тухумдан бошланган ўғирлик» деган халқ эртаги ўтди: Она хасталаниб оч ётганда ўғли унга битта тухум келтириб беради. Уни бозордан ўғирлаб олганини айтади. Она эса, фарзандини қойиш ўрнига, унга рўйхушлик билдиради. Онанинг бу муносабатидан сўнг бола эртасига иккита тухум ўғирлайди. «Тухум келтирган қўлларингдан айланай», дейди она. Сўнгги кунлари беш-ўнтадан ўғирлайди... Ишқилиб, бола ўғриликни касб қилиб олади... Бир куни у қўлга тушади. Ўлим жазосига ҳукм қилинади. Қатл олдидан охирги илтимосини сўраганларида, ҳалиги ўғри оқ сут бериб боққан онасини охирги бора кўриб қолиш истагини билдиради. Онани келтирадилар. Фарзанди унга: «Яқинроқ кел, она, кўзим юмилишидан олдин тилингдан бир ўпай», — дейди. Она тилини чиқаради. Фарзанд чаққонлик билан унинг тилини тишлаб олади, ва атрофдагиларга қаратта:

— Мени ўғриликка ундаган туқ-қанимнинг мана шу тили эди, мен уни суғуриб олдим. Негаки, бу ишим барча оналарга ва фарзандларга ибрат бўлсин. Токи улар бундай ҳаром йўлга юрмасинлар, деган экан.

Ўйлаб, ўйимнинг охирига етолмайман...

Наҳотки Гулрўҳсор ўғирликнинг охири вой бўлишини англамаган бўлса, наҳотки?

Афсус...

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

«ОҚ БУРГУТ» ПАРВОЗИ

ҚАШҚАДАРЁ. Талимаржон шаҳрида сутни қайта ишлашга ихтисослашган «Оқ бургут» кичик корхонаси иш бошлади. Корхона тадбиркор Анвар Қурбонов ташаббуси билан очилган бўлиб, у бир кунда бир тоннага яқин сутни қайта ишлаб, сариёг, ёшлоқ, қатиқ маҳсулотлари тайёрламоқда. Бу ерда маҳсулотнинг сифатига катта эътибор берилянти. Келгусида корхона 5 тонна сут маҳсулотини қайта ишлаш қувватига эга бўлади. Бунинг учун бугунги кундан замин ҳозирланиб, хўжаликлар фермалари етакчилари билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар тузилди. Сифатли ва нисбатан арзон маҳсулотларнинг бозори чаққон.

Шерхон ҚОРАЕВ.

«СОГД» ишлаб чиқаришти-жорат корхонасининг думалоқ муҳри ва бурчакли штампи йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

«Ҳосил-96»

АНДИЖОН ТАЖРИБАСИ — ХИРМОНЛАР БАРАКАСИ

ВИЛОЯТ ПАХТАКОРЛАРИ МАМЛАКАТДА БИРИНЧИ БЎЛИБ РЕЖАНИ УДДАЛАДИЛАР

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, деҳқончиликдаги изланиш, янгиликни қўллашдаги ташаббускорлик Андижон вилояти пахтакорларига муваффақият келтирди. Бу йил 10 минг гектар ерга янги усулда чигит плёнка остига экилиб, мўл пахта ҳосили яратилди. Давлатга 310 минг тонна «оқ олтин» топшириб, режани мамлакатда биринчи бўлиб бажаришди! Бундай ютуқда пахтачиликдаги илғор тажриба «Андижон усули»нинг алоҳида аҳамияти бор.

Тажрибада синалган, чигитни плёнка остига экиш усули тез ёйилди. Избоскан туманидаги Шермат Юсупов номли жамоа хўжалиги деҳқонлари янгиликка биринчилардан бўлиб қўшилдилар. Кузда ғалвир сувдан кўтарилганда хирмон салмоғи кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Хўжаликнинг Минҳожиддин Тўхтасинов бошчилигидаги бригада аъзолари баҳорда 47 гектар ерга чигитни янги усулда экдилар. Ғўзаларни агротехника қоидалари асосида парваришладилар. Бригада йиллик режани 9 иш кунида Андижон вилоятида иккинчи бўлиб бажарди.

Янгиликнинг афзаллиги кўп: «Андижон усули» эртаки, мўл пахта ҳосили етиштириш омили. Шундай усулда деҳқончилик қилинганда ҳосилдорлик кескин ошади, пахта сифатли бўлади. Йиғим-терим мавсуми қисқаради. Ер эрта бўшайди. Кузги экинлар, айниқса буғдойни барвақт экишга шароит яратилади.

— Амалий ишлар пахтачиликдаги «Андижон усули»нинг тўғри ва ҳаётийлигини тасдиқлади, — деб фикр билдирди Избоскан тумани «Агрохизмат» уюшмасининг раиси Бахтиёржон Мелибоев. — Бу усул пахтачиликни илмий ташкил этиш, деҳқонларга қайишиш, иқтисодий фойдани кўпайтириш тўғрисида юртбошимиз жон куйдириб айтаётган йўл-йўриқларга монанддир.

Чигити плёнка остига экилиб, унган ғўзалар одатдаги усулдагиларга қараганда сувни икки марта кам талаб қилади, чопиқ, ўтоқ ва бошқа парвариш камаяди. Буларнинг барчаси харажатни озайтиришга олиб келади.

Янгиликнинг издошлари Андижоннинг ҳар бир туманию хўжалиги, бригадасида топилади.

Сидқидилдан меҳнат қилганларга омад йўлдош бўлди. Шаҳрихон туманидаги академик Т. Саримсоқов номли жамоа хўжалигининг ҳарир «либос»ли далаларида пахта чаман очилган чоғда мамлакатимиз Президенти Андижонга ташриф буюрдилар. Давлатимиз раҳбари бир қатор жамоа хўжаликларида бўлдилар.

— Юртбошимиз — деҳқонларга меҳрибон инсон, — дейди жамоа хўжалигининг раиси Ўрмонжон Бозорбоев, учрашув таассуротлари ҳақида сўз очиб. — Мендан «Андижон усули»да пахта етиштириш тажрибаси ҳақида сўрадилар. Чаноқлардан тошаётган пахта толаларининг чигитларини санаб ҳосил хирмони салмоқли бўлишини айтдилар. Бригадир Аҳмаджон Қодиров билан менга тилла соат совға қилганларида кўнглим қувончга тўлди.

Юртбошимиз омад меҳнат билан боғлиқ эканини уқдириб, ҳосил хирмонига қут-барака, ишларимизга ривож тиладилар. Назаримда шу кундан далаларимиздаги ҳосил чўғига баракот қўшилди.

— Плёнкали далалардан қандай ҳосил олиндию, якуний сарф-харажатлар қанчасини ташкил этди? —дея сўрайман хўжалик раисидан.

Раиснинг жавоби аниқ бўлди:

— Хўжалигимиз иқтисодчиси Мўминжон Жўраев сарф харажату фойдани чўтга солди, — дейди Ўрмонжон ака. — Кўпчиликка асқотар деб бу ҳақда батафсилроқ сўзлайман.

— Гапни сарф-харажатлардан бошлай қолай. Аҳмаджон Қодиров бошлиқ бригадада бир гектар ерда «Андижон усули»да пахта етиштириш учун одатдаги усулларга нисбатан ортиқча бўлган харажатлар қуйидагича. Гектарига 50 килограммдан, яъни 4200 сўмлик плёнка, қўшқатор экиш ҳисобига 30 килограмм чигит кўп сарфланди. Чигит экиш чоғида 3 нафар ишловчига гектарига 50 сўмдан иш ҳақи тўланди. Плёнкали даладан оддий усулда чигит экиб ҳосил етиштиришга нисбатан ҳар гектардан ортиқча олинган 8-20 центнер пахтани йиғиштириш харажати эса 3340 сўмга тўхтади. Ёки плёнкали бир гектар пахтазорга қўшимча сарфланган маблағ жами 7900 сўмни ташкил этди.



Энди чигитни плёнка остига экиб кўнгилдагидек ҳосил олишда анъанавий усулдагига нисбатан бир гектар ердан сарф-харажатларнинг камайиши ҳақидаги таҳлилни келтирай. Бир гектарли плёнкали пахта даласидаги ғўзалар одатдаги усулда экилган ғўзалардан 3 марта кам суғорилди. Суғориш учун сувчиларга тўланадиган 300 сўм иш ҳақи тежалди. Сув сарфининг камайиши плёнка остида тупроқ таркибида намнинг етарли бўлиши билан боғлиқ. Энг ноёб неъмат — об-ҳаёт сарфининг камайиши, уни дала бошигача етказишга бўладиган меҳнатни эътиборга олсак, бу фойдалилик салмоғи янада ошади.

Дарвоқе, янгича усул дон етиштиришда, айниқса буғдой ҳосилдорлигини оширишда ҳам қўл келди. Қандай қилиб дейсизми?

— Буғдойни ғўзапояси йиғиштирилмаган майдонга экканимизда ғўзалар тупи остида ҳар доим ҳам экин унавермайди. Бу жойни ҳисобласак, ғўзапояли 100 гектар ерга буғдой экилганида тахминан унинг 7-8 гектари атрофидаги ерда буғдой ўсмади, деган хулоса чиқади. Чигитни плёнка остига экиш усули бундай ҳолатга барҳам беради. Буғдой вақтида ғўзапояли пайкалга эмас, очиқ ҳайдалган далага экилади. Бу доннинг текис униб чиқиши, ҳосилдор бўлишига олиб келади. Демак, пахтачиликда бошланган «Андижон усули» мамлакатимизнинг ғалла мустақиллигини таъминлашда, дон ҳосилдорлигини оширишда ҳам муҳим ўрин тутади.

Андижонликлар ташаббуси ҳозир бутун мамлакатимизга ёйилди. Бу янгилик Андижоннинг шимолий туманлари — Қўрғонтепа, Жалолқудуқда ҳам яхши натижалар берди. Ҳар икки туман деҳқонлари йиллик пахта тайёрлаш режасини барвақт бажариб, пешқадам бўлдилар. Марҳамат, Избоскан, Шаҳрихон, Булоқбоши, Асака, Балиқчи, Пахтаобод туманларида ҳам пахта топшириш режалари уддаланди.

Чигитни плёнка остига экиш Андижоннинг «оқ олтин» хирмонларига барака қўшиб кўпчиликни қувонтирди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларни Хурсандбек АРАББОЕВ олган.



Шунақасиям бўлади

БАНГИЛИК ХУМОР ҚИЛСА БАНАН «ЧЕКИНГ»

ЛОНДОНдаги Сафари ҳайвонот боғида Пит лақабли ажойиб маймун бор. Бу шимпанзе чеккиси келиб қолса, лабига банан қистириб хуморидан чиқади. Маймун ҳам чекадими деб ўйлашингиз табиий. Чекаркан. Питнинг хўжаси Жим Гарвиннинг айтишича, уни одамлар кашандаликка ўргатибди.

Бир куни одатдагидек қафасида одамларни кузатиб ўтирган Питнинг ёнига хорижлик сайёҳ келиб (у чекиб турган экан!) қўлини чўзибди. Пит эса унга «оғзингдаги сигаретни бер» деб имо-ишора қилибди. Сайёҳ унга сигарет ва гугурт қутисини итқитибди. Пит дарров «тушунди», у ёш бола эмас-да, ҳозир 26 ёшда. Шу-шу Пит бангига айланиб қолибди.

— Пит сигарет ва гугурт қутисига ўч бўлиб қолганидан жуда ташвишда эдик, — дейди Жим Гарвин. — Ахир бир кун ҳайвонот боғимизгаям ўзининг қафасигаям ўт қўяди деб. Хайриятки, ташлади. Ўрнига банан «чекяпти». Фақат менга, умуман, хизматчиларимизга бироз жабр бўлди-да!

Жабр бўлгани шундаки, Пит бошқаларнинг чекканини кўрса, банан-сигаретини итқитиб юбораркан. Бошқалар ҳам ҳозир кашандалик хумор қилса, дарҳол бананни лабига қистириб, хуморёзди қилишадиган бўлишди.

Питнинг банан-сигарети чакки эмас. Кимки кашандалик балосидан қутулмоқчи бўлса Питга тақлид қилсин.

Аломат гаплар

«ТИРИК ТИШ ТОЗАЛАГИЧ»

БРАЗИЛИЯ. Ириалде Сантое Алвес Капакабина — Бичнинг муъжазгина чекка қишлоғида яшайди. 38 ёшли Ириалде «тиш тозалагич» дейишларигаям кўпда парво қилмайди. Қуникиб кетган. Ахир аёлнинг оғирлиги бор-йўғи 29 килограмм эди-да.

Қилтириқ аёл 1989 йилда турмушга чиқди. Ҳозир унинг вазни 22 килограммга тушиб қолган Чунки у яқинда она бўлади. Бунчалик қоқсуяк бўлишига қарамай Ириалде ҳар тонг бадантарбия машқлари билан шуғулланади. Эри ҳам унга ҳамроҳлик қилади.

— Соғлом она бўлиш учун курашяпман, — дейди у. — Мен биринчи даражали она бўлмоқчиман. Яъни, соғлом, тўлақонли баркамол фарзанд кўрмоқчиман!

Шифокорлар унга вақтинча спорт машқларини қисқартиришни тавсия этишди. У эса туққач қоматида ортиқча вазн пайдо бўлмасмикин деган ҳавотирда эканлигини маълум қилди. Балки у дунёдаги энг озғин онадир.

Ҳамманинг таъби ҳар хил балки, «тирик тиш тозалагич»дек бўлиш ҳам фахрмикин аёл учун. Лекин у ўзини озғинлар сирасига киритмайди, балки «қоматини расо сақлай билган»лар қаторида эканлигини алоҳида таъкидлаб айтади.

ДУНЁДАГИ ЭНГ МЎЪЖАЗ СКРИПКА

ШВЕЙЦАРИЯ. У гугурт қутисига жой бўлади. Скрипканинг узунлиги 8 сантиметр, эни эса 2,5 сантиметрдир. Жажжи мусиқа созининг қўш торли, ғилофи эса асл қора дарахтдан ясалган, олтин зарҳал бериб безатилган.

Мўъжазгина бу мусиқа созини швейцариялик миниатюрачи ижодкор, созанда Корнел Шнейдер яратган. Ўзи кичик бўлсаям, унинг баҳоси катта — 4000 доллар туради!

Шнейдер дунёдаги энг кичик скрипкани бундан икки йил илгари ясади ва унда ўзи илк марта мусиқа бастали. Мусиқа торларини скрипка ҳажмидан ҳам икки баравар кичик камон билан чалганда, томошабинлар бу мусиқани «Мўъжаз сознинг авж пардасида чалинди» дея олқишлашди.

ҚОНДОШ ИТЛАР

ДЕИТРОЙТ. Ринклз лақабли ит ҳақида гап очилгудек бўлса, «халоскор итми?» дейишадиган бўп қолишди. Бунинг боиси бор, албатта. Атиги 6 килограмм вазнлик Пити хўжаси, 31 яшарлик механик Кливленд Моретти билан қирғоқдан овга отланишганди. Пити «ис» олиб олдинда югуриб бораётганди, бехосдан ўқ овози эшитилди. 22 калибрли ов милтиғидан отилган ўқ визилдаб Питининг орқа оёғига қадалди. Ит вангиллаб ерга қулади. Моретти дарҳол ярадор итини машина орқа ўриндиғига жойлаштириб, ветеринар врач ҳузурига шошилди. Лекин итидан умидини узди. Ахир унинг бу қон йўқотишида врачгача етиб бориш даргумон эдида.

— Йўл бўйи Ринклз Питини ялаб-юлқаб борарди. Гўё Питини тинчлантирар, унга далда бераётгандек, — дейди Моретти ҳамон ҳайратини яширолмай иккинчи овчи ити Ринклз ҳақида. — Барибир клиникага етганимизда Пити ҳушидан кетганди. Докторлар шу заҳотиёқ Ринклздан бир литр қон олиб Питига «қуйишди». Улар ҳар хил зотли итлар, қон гуруҳиям ҳар хил. Фойдасиз деб ўйладим. Унутибманки, ит танаси учун қон гуруҳининг аҳамияти йўқ.

Шундай қилиб, Пити тирик қолди... 65 килограммлик Ринклз эса «қилт» этмади. Соппа-соғ.

Мореттининг уйидан репортёрларнинг қадами узилмай қолди. «Итлар» машҳур бўп кетишди. Қизиғи, хўжасининг айтишича, Пити ва Ринклз жуда иноқ-аҳил бўлиб қолишди. Олдинлари хўжасининг илтифотини бўлишолмай тез-тез жанжаллашиб туришаркан.

Энди бўлса улар қондош итлар эканлигини ҳис этишяпти, чоғи.

Хорижда

ТАРАФДОРЛАР КЎП ЭМИШ

Жанубий Кореянинг «Чунан илбо» газетаси ўтказган оммавий сўров натижаларига кўра, аҳолининг катта қисми ушбу мамлакатда ядро қуроли яратилиши тарафдори экан. Қизиғи шундаки, сўровда иштирок этганларнинг 90 фоизи Япония ва Шимолий Кореянинг ядро қуролига эга бўлиши мумкинлигини назарда тутиб, шундай қарорга келганини айтган.

Мамлакатда ядро қуролини яратишга қариши бўлганлар эса, сўралганларнинг 20 фоизини ташкил этар экан, холос.

КИНОЯГА ЎРИН ЙЎҚ

Маълумки, ГФРда дўконлар эрталабки соат 7 дан кечки 18.30 гача ишлар эди. Бу ҳол кўплаб хорижликларнинг «Германияда кечқурун ҳеч нарса сотиб олиб бўлмайди», деган киноясига сабаб бўлди. Энди германияликларнинг эътирозига барҳам бериладиганга ўхшайди: ГФР федерал президенти фармонига биноан, 1 ноябрдан бошлаб, дўконлар эрталаб 6 дан кечқурун 8 гача ишлаш ҳуқуқига эга бўлади.

«Ҳар яхшининг бир емони бор» деганларидай, бу янгилик ҳам кўпларга ёқмаяпти. Фармон, айниқса, дўкондорлар ва уларнинг хизматчиларини анча саросимага солиб қўйди. Чунки, ишчилар уйга бироз кеч қайтади ва оила аъзоларининг бирмунча норозилигига учрайди. Дўкон эгалари эса кўл остидагиларнинг ортиқча меҳнати учун қўшимча иш ҳақи тўлашга мажбур бўлиб қолади.

КИЙИНИШГА КИМ ҚАНЧА САРФЛАЙДИ?

«Виза» халқаро компанияси эълон қилган маълумотларга қараганда, ўз яқинларига совға-салом тақдим қилиш бўйича англияликлар Европада биринчи ўринда турар экан. Улар ҳадя учун йилига 450 фунт-стерлинг сарф этишади. Бу маблағ харажатлар умумий миқдорининг 4,4 фоизи демакдир. Голландияликлар билан италияликлар эса бу борада «энг хасис» ҳисобланади. Улар яқинларига йиллик харажатнинг 2,5 фоизинигина ажратадилар.

Инглизларнинг яна бир ажойиб хусусияти бор. Улар нисабатан салқин иқлимда яшашга қарамай, йиллик харажатнинг 6 фоизини кийинишга ишлатишади. Айни пайтда туркларнинг кийим-кечак учун йиллик даромаднинг 13-15 фоизидан бемалол воз кеча олиши ҳисобга олинса, англияликларнинг қанчалар енгил кийинишини англаб олиш қийин эмас.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 «Хоразм наволари». Мусиқий дастур.
9.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Тилларанг ришталар жозибаси».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Бир ўлка-ки...».
10.30 «Жаннат — оналар оёғин остидадир». Публицистик кўрсатув.
11.00 ЎзТВ хазинасидан. Уйғун, Иззат Султон. «Алишер Навоий». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
12.15 Ўзбекистон телерадиокомпанияси Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.45 «Жилолар». Кинодастур.
13.25 «Ёртаклар — яхшиликка етаклар».
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.30 «Совун ўғрилари». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 Истиқлол одимлари. «Пахта — юрт бойлиги».
19.05 Биржа ва банк хабарлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мозийдан садо».
20.15 Оқшом эрталари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Дилнавоз садолар.
21.40 «Тадбиркорлар клуби».
22.05 «Морена Клара». Телесериал.
22.50 Дилнавоз садолар.
23.10 «Истеъдод».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Палитра».
19.05 «Услуб». Мода янгиликлари.
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон». Оҳанглар.
20.10 «Автосалон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Камертон». Шеърият.
21.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.30 «Курьер».
22.50 «Прайм-тайм».
23.00 «Хобби-холл». Қизиқарли дастур.
23.30 — 24.00 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Акмалнинг янги саргузаштлари». Бадиий фильм. 1-серия.

*

Россия жамоат телевидениеси
19.10—21.35

*

21.35 «Мовий қуш». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
22.00—22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Янги қурбон». Телесериал.
23.25—23.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Курсатувлар анонси.
18.50 «Мульткарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Умид».
19.40 «Шлягер».
19.50 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.10 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
20.20 «Авторейд».
20.30 Эълонлар.
20.35 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм.
22.05 «Аёл».
22.35 «Спорт-тайм».
23.05 Эълонлар.
23.10 «5+1».
23.40—23.50 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Умид учқунлари». Тележурнал.
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ҳаммаси маҳалладан бошланади».
10.30 Инглиз тили.
11.00 «Санъат сеҳри».
11.30 Футбол шарҳи.
11.45 «Созимиз — овозимиз». Мусиқий дастур.
12.15 ЎзТВ хазинасидан. Уйғун, Иззат Султон. «Алишер Навоий». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 2-қисм.
13.25 «Юксалиш йўлида». Публицистик кўрсатув.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.35 «Ўғирлик». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Табиатшунослар клуби».
18.30 «Ўргимчак тури». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Тафаккур».
20.15 Оқшом эрталари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Оҳанглардан таралган меҳр».
21.40 «Альманах—ТВ».
22.20 «Замон».
22.35 Спорт, спорт, спорт.
22.50 Юртим жамоли.
23.05 Мусиқий саёҳат.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.15 «Дойче Вейле» намойиш этади.
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Кинонигох».
23.50 — 00.20 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Акмалнинг янги саргузаштлари». Бадиий фильм. 2-серия.

*

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00 «Телетонг».

* * *

19.10—21.35

*

21.35 «Опера шинавандаларига». 2-кўрсатув.

*

Россия давлат телевидениеси
22.00—22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Янги қурбон». Телесериал.
23.25—23.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мульткарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун».
19.20 «Очиқ дарс».
19.45 «Жонли тил».
20.40 «Эсдалик учун дастхат». Ўзбекистон телевидениесининг 40 йиллигига бағишланган кўрсатув.
21.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.00 Эълонлар.
22.05 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
22.20 «Озодлик номидан». Америка тарихи.
22.45 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.15 Немис тилида кўрсатув.
23.40 «Жилет-спорт».
00.10 Эълонлар.
00.15—00.25 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 6

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Достон қўшиқлари.
8.45 «Қизиқарли учрашувлар».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Мусиқий саёҳат.
10.25 Алифбо сабоқлари.
10.55 «Буни умр дерлар». Телеочерк.
11.10 «Альманах-ТВ».
11.50 «Бир чол ёмғир олдига боргани ҳақида». Мультфильм.
12.00 «Сурнай навоси». Суннатилла Қорабоев.
12.10 «Диққат, тошбақа». Бадиий фильм.
13.30 Ўзбек куйларидан концерт.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.35 «Тоғлардек юксак қўшиқ». Адабий кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Чамандаги гулларимиз».
18.25 «Бу ёруг оламда ватан биттадир...».
18.30 «Сўз сизга». Ёшлар учун кўрсатув.
18.40 «Қалбим ардоғида». Ғанижон Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
19.10 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Зилол». Фольклор-этнографик ансамбларнинг телевизион фестивали.
20.15 Оқшом эрталари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 15 дақиқа спорт ҳақида.
21.35 Дилнавоз садолар.
21.50 «Автоолам».
22.05 «Рангин дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
22.25 «Замон билан ҳамнафас».
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...».
20.10 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дриблинг».
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.45 «Дойче Вейле» намойиш этади.
23.15 — 00.15 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Оддий муъжизалар». Телефильм.
18.40 «Атланта йўлларида». Спорт кўрсатуви.

*

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00 «Телетонг».

* * *

19.10—21.35

*

21.35 «Шоҳсупа сари йўл».

*

Россия давлат телевидениеси
22.00—22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Янги қурбон». Телесериал.
23.25—23.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Безнен мирас».
19.35 «Қалб тароналари».
20.00 «Тошкент оқшомлари».
20.30 Эълонлар.
20.35 «Сенинг суҳбатдошинг».
21.05 «Шарқ тафаккури».
21.35 Эълонлар.
21.40 «Мезон».
22.10 «Ташриф ва таклифлар».
22.40 Эълонлар.
22.45 «Тошкентнома».
23.15 «Бу ажиб дунё».
23.35 «Гулдаста».
23.55—00.05 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 7

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Зилол». Фольклор-этнографик ансамбларнинг телевизион фестивали.
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони урганамиз.
10.35 А. Орипов. «Сохибқирон». З. М. Бобур номидаги Ўш вилоят мусиқали драма театрининг спектакли.
12.25 «Фильм суратга олинди». Кинокурсатув.
12.45 «Қўшиқ вазувчи шоирлар». Маъфура Муҳамедова.
13.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Машъал» — «Нурафшон».
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.05 «Маърифат» видеоканали.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Аввал иқтисод».
19.05 «Кузгудаги акс». Фототанлов.
19.20 Дилнавоз садолар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эрталари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.15 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
21.40 «Одобнома».
21.55 Дилнавоз садолар.
22.15 Олтин мерос. «Тумарис». Фильм-балет.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» (Тошкент) — «Навбаҳор» (Бухоро).
00.40 Тунги тароналар.
00.55 — 01.05 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.20 «Хобби-холл». Қизиқарли дастур.
9.50 «Курьер».
10.20 «Прайм-тайм».
10.30 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
10.50 «АРТ-журнал».
11.05 «Табиат дунёси».
11.55 «Компьютер-Осиё».
12.10 «Хусусийлаштириш: қадам-қадам».
12.30 — 14.10 Видео — «О».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-қадам».

(Давоми 4-бетда).

«БУЮК ЖАҲОНГИР» ЎЙЛАНМАСИ

Жаҳонгир Амир Темур ҳаёти ва темурийлар фаолияти хусусидаги ўйланманинг жавоблари соат мили йўналишида, айланма ҳолида бўш катакларга жойлаштирилади.

Матн баёни:

1. Соҳибқирон Амир Темур тулпори. 2. Мовароуннаҳрда ҳокимиятни қўлга олгач ўтказилган, дастлабки тадбирлардан бири. 3. Қоҳиралик тарихнавис олим, «Улуғ подшоҳлар давлатларини билишда етук қўлланма» рисоласи муаллифи. 4... — қалъа олади (ўгит). 5. Самарқанд шаҳар Арки-қалъасида Соҳибқирон қароргоҳи. 6. Амир Темур (1994 й) ҳайкалини яратган ҳайкалтарош. 7. «Тузуки Темурий»нинг форсча таржимасини Шоҳжаҳонга тақдим этган шахс. 8. Соҳибқирон қурдирган, таъмирлаган Тошкент вилоятидаги ёдгорлик- мақбара. 9. Мовароуннаҳрга икки марта қўшин тортган Чингизхон набираси. 10. Темурнинг курдлар билан бўлган жангда ҳалок бўлган иккинчи ўғли. 11. Қарши шимолидаги тоғ. 12. 1404—1408 йилларда Озарбойжон ва Ирокда ҳукмронлик қилган Амир Темурнинг учинчи ўғли. 13. Улуғбек ҳомийлигида йиллик ҳаракати кузатилган бешта сайёрадан бири. 14. 1740 йилда қўшинлари билан Самарқандни забт этган Эрон шоҳи. 15. «Мирзо Улуғбек» трагедиясининг муаллифи. 16. Туман ёдгорликлар мажмуасига кирган мақбара. 17. Шоҳ ва шоир Бойқаронинг адабий тахаллуси. 18. Баёний тахаллусида ғазаллар битган ҳаттот. 19. Темурийлар замонасида форс-тожик тилида шеърлар ёзган ўзбек шоирларидан бири. 20. «Буюк Амир Темур ёқути», яъни «Чироғи олам» ёқути юзига битилган энг охирги исм эгаси. 21. Темурнинг ўғли Шоҳруҳ шарафига бунёд этган Мовароуннаҳр шарқидиги қалъа ҳисобланган муҳим шаҳар. 22. «Шажараи турк» китоби муаллифи. 23. Самарқанднинг маркази бўлган ёдгорликлар майдони. 24. Жаҳонгир қаерга борса қурилишга эътибор бериб обод этган. Шулардан бири — Ўзгандаги мақбара. 25. Шоҳруҳ ҳукмронлик қилган Хуросондаги шаҳар. 26. Мадраса ўқитувчиси. 27. Жаҳонгир шаҳар атрофида барпо этган бир-биридан гўзал ҳовузлардан бирининг номи. 28. Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драмаси қаҳрамонларидан бири. 29. Темурийлар саройида ижод қилган рассом ва ҳаттот Ҳожи Бангир... ёки Улуғбек асари. 30. Амир Темур даргоҳида хизмат қилган лашкарбоши. 31. Жаҳонгир томонидан кўприклар солинган дарё. 32. Қадим Тошкентнинг эски шаҳар бозори. 33. Мовароуннаҳр амирларидан бири, Темурнинг рақиби.

МУАММОНОМА: Энди эса ўйланма жавобларидан тўғри фойдаланиб (биринчи рақам сўз тартиби, иккинчиси олинажак ҳарф тартиби). муаммономада яширинган Соҳибқирон Амир Темур айтган доно ҳикматни ўқинг-чи?

Тузувчи: Анвар МИРЗАЗОДА.



Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0627

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.30
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

«ИЛЛАТ Ё ОШДА, Ё МОШДА»

Шу сарлавҳали фельетон ўтган йили «Ўзбекистон овози»да чоп этилганди. Унда Денов ёғ-экстракция заводи — ҳозирги «Сурхонозиқовқатсаноати» ҳиссадорлик жамиятидаги камчилик, қонунбузарлик, талон-торожликлар қаламга олинган эди. Жамиятимизга ёт бўлган бу иллатлар газетхонларимизнинг баҳс-мунозараларига сабаб бўлди. Шу боис ҳам мақолага муносабат билдирилган хат-хабарлар оқими ҳануз тўхтамаяпти. Қуйида улардан айримларини эътиборингизга ҳавола қилаяпмиз.

***

Акс-садо

«Орадан бир йил ўтди. Лекин фельетоннинг натижаси ҳаётда ҳам, газета саҳифаларида ҳам кўринмаяпти. Раҳбарлар бундан тўғри хулоса чиқарганлари йўқ. Қайтанга бозор иқтисодиётининг ҳозирги ўтиш палласида ишчиларни назарга илмай қўйди. Оилали, бола-чақали меҳнаткашларнинг кўплари бўшатиб юборилди. Улар ишсиз қолди. Мен ҳам шу корхонадан «ўз аризаси»га кўра кетганларданман. Айбимиз — ҳиссадорлик жамияти бош директоридан ҳақ-ҳуқуқимиз ва меҳнат ҳақимизни сўраганимиз. Айтинг, менга ўхшаб ҳайдалганлар нима қилишсин? Бола-чақамизни қандай боқайлик?

Гулсара НОРБОЕВА,
Денов шаҳридаги Шевченко кўчаси, 86-уй».

***

«Оилада ўн жонмиз. Катта қизим ногирон. Ўн беш йилдан бери шу корхонада ишлаб келардим. Рўзғоримизни амаллаб тебратиб юрган кезларимиз кичик қизим оғриб қолди. Кўричак экан. Оддий ишчини қадрлаб, қўллаш ўрнига мени ишдан кеткизишди. Тўрт нафар ёш боламга раҳмингиз келсин ҳеч бўлмаса, дедим. Йўқ, инобатга олишмади. Ана сизга оддий ишчига бўлган муносабат! Дардимни кимга айтайин?

Муҳаррам ЖУМАЕВА».

***

«Энг гуллаган умрим шу даргоҳда ўтди. Йигирма йил ишладим. Аммо охири хор қилиб ҳайдашди. Ҳақ ҳуқуқимни сўраб, судга мурожаат қилай десам қўлимда бўшатилганим ҳақида буйруқдан кўчирма йўқ. Уни сўрасам «обходной» тўлдирсанг оласан, дейишди. Бу қоғозни эса беришмаяпти...

Қудрат НУРАЛИЕВ,
собиқ ишчи».

Эшитмадим деманглар!

Фақат "Осиё бозори" обуначилари учун!

Газета бундан буён ўз саҳифаларида кроссвордлар, топқирлик машқлари, муаммономалар, жумбоқли топишмоқлар, турли лотерея ўйинларини бериб боради. Кимки барча саволларга тўғри жавоб топса, таҳририятнинг қимматбаҳо совғаси (телевизор, видеомагнитафон, фотоаппарат, диктафон ва бошқа буюмлар)га эга бўлади.

Эслатиб ўтамиз: Сиз бунинг учун энг аввало "Осиё бозори"га 1997 йил учун обуна бўлишингиз шарт. Шундагина сизнинг жавобларингиз эътиборга олинади.

"ОСИЁ БОЗОРИ" ИНДЕКСИ 64742 (якка обуначилар учун). 64567 (ташкилотлар учун).

Ўзбекистон Республикаси

"Ўзэлектркабелсавдо"

улгуржи-савдо воситачилик фирмаси акционерлик жамияти

Пул ўтказиш йўли билан қуйидаги маҳсулотларни

СОТАДИ

- ✓ кучланиш трансформаторлари ва подстанциялар;
- ✓ электр пайвандлаш асбоб-ускуналари;
- ✓ турли русумдаги электродвигателлар;
- ✓ турли русумдаги ёритгичлар;
- ✓ люминиценти, симобли, оддий усулда пишиқтирилган лампалар;
- ✓ тирқишли аккумуляторлар;
- ✓ кислотали аккумуляторлар;
- ✓ кенг турдаги кабель-ўтказгичли ҳамда халқ истеъмоли маҳсулотлари.

Бундан ташқари столлар, стуллар ва идиш-товоқларни фойдаланиш учун бериб туришни

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Фирма имтиёзли равишда мол-хом ашё биржасида ва "Ўзулгуржибиржасавдо"нинг доимий фаолият кўрсатувчи ярмаркасида шартнома асосида маҳсулот сотишни амалга оширади.
Чет эл ва МДҲ давлатларидаги фирмаларнинг маҳсулотини консигнация асосида сотиб бериш юзасидан шартномалар тузади.
Яхши жиҳозланган, темир йўл бўлимлари кириб борган омборхона биноларини ижарага бериш имкониятига эгамиз.
Фирма электротехника ва кабель-ўтказгичли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил этишдан манфаатдор.
"Ўзэлектркабелсавдо" акционерлик жамияти республикамиздаги истеъмолчилардан 1997 йил учун электр ва кабель-ўтказгичли маҳсулотларни етказиб беришга буюртмалар қабул қилишни бошлаб юборди. Ўзбекистон Республикасидаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи заводларга буюртма бериш, шунингдек уни МДҲ давлатлари ҳамда Болтиқбўйи республикаларидан келтириб сотиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, 700094, Мўйноқ кўчаси, 135-уй.

Маълумот учун телефонлар: 98-68-46, 92-32-16, 92-32-49, 90-66-94, 98-68-47.
Факс: 90-73-84, телетайп 116187 привод.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

(Давоми. Боши 3-бетда).

дам».
20.15 Оҳанглар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.25 «Бизнес-уик».
21.40 «Дойче Вейле» оҳанглари ва Эълонлар.
22.20 «Кинонигоҳ».
24.00 — 00.30 «Спорт қитъаси».

III

17.45 Янгиликлар.
17.50 Эълонлар.
17.55 «Моҳир қўллар». Телефильм.

*

Россия жамоат телевиденеси
7.30—9.00 «Телетонг».

***

18.20—22.50

*

22.50 «Янги қурбон». Телесериал.

*

Россия давлат телевиденеси
23.40—00.15

*

00.15 Эълонлар.
00.20—00.25 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Айчурек».
19.35 «Телевидение — менинг ҳаётим». Г. Ирлин.
19.45 Эълонлар.
19.50 «Каталог».
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «02» тўлқинида.
21.10 «Менинг маҳаллам».
21.40 «Эколот-коктейль».
22.10 Эълонлар.
22.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари.
22.45 «Компьютер-ревю».
23.10 «Океандан океангача». USA-круиз.
23.40 «Эллада».
00.10—00.20 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 8

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Кекса саньаткорлар».
8.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ноу-хоу». Изланиш ва натижалар.
10.25 «Соябон менинг ҳамроҳим». Мультфильм.
10.35 Немис тили.
11.05 «Саҳна ҳаёти».
11.35 «Нозигойим». Бадиий фильм.
13.00 «Ўйла! Изла! Топ!». Телемусобақа.
13.40 «Шаҳар бедарвоза эмас...».
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий жамоалари яккахонларининг концерти.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти юлдузлар».
18.30 «Синфдош».
18.50 Бизнес ҳафта якунлари.
19.05 «Йигит омон бўлса...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эртага — шанба».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.10 «Ривоят».
21.30 Репортаж.
22.00 «Морена Клара». Телесериал.
22.45 «Устоз саньаткор». Халқ артисти Сора Эшонтўраева таваллудининг 85 йиллигига.
23.15 «Ҳуш келибсиз».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Офарин».
00.20 Тунги тароналар.
00.35 — 00.45 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мульти-пульти».
9.20 «Таманно».
9.30 Мулоҳаза учун мавзу.
9.50 Дилором наволар.
9.55 Видео янгиликлари.
10.10 Видео — «О».
11.50 — 14.00 «Спорт қитъаси».

***

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.35 Кинохроника.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сиздан ишорат».
21.40 «Ракурс».
22.00 «Камолот».
22.20 Хит-парад ва Эълонлар.
23.00 — 23.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Олтин ярпоқлар». Телефильм.

*

Россия жамоат телевиденеси
7.30—9.00 «Телетонг».

***

18.20—21.35

*

21.35 «Коинот».

*

Россия давлат телевиденеси
22.00—22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Янги қурбон». Телесериал.
23.25—23.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Умид чечаклари».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Билиб қўйган яхши».
20.00 «Коинот».
20.30 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.00 «Монитор-Азия».
21.30 «Замин саховати».
22.00 Эълонлар.
22.05 «Уй остонадан бошланади».
22.35 «Рангинкамон».
23.05 «Бу бустон аро».
23.35 Араб эстрадаси.
00.05 Эълонлар.
00.10—00.20 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 9

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Таранним». Мусиқий дастур.
9.05 «Эҳкининг шоҳи ўсди». Мультфильм.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Қўшиғим, жон қўшиғим».

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

10.30 «Хабарнома».
10.40 «Мен ёшликман...». Жаҳон ёшлари кунига бағишланади.
11.40 «Атланта-96» қаҳрамонлари». Боксчи Қарим Тўлаганов.
12.00 «Зулматни тарк этиб». Бадиий фильм.
13.25 — 14.25 «Маънавият» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 «Мактуб».
18.50 «Сиз севган қўшиқ».
19.05 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 Дилнавоз садолар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Азиз сиймолар». Халқ артисти Асад Исматов.
21.45 Дилнавоз садолар.

«Тунги ёғду».

Дам олиш дастури:

22.00 «Заковат».
22.10 «Куй ва тасвир».
22.30 «Имкон чўққилари».
22.45 «Курсатув тайёрлаш машаққатлари». Бадиий фильм.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...»
9.20 «Кинохроника».
10.10 «Компьютер-Осиё».
10.30 «Мусиқий йўлка».
10.40 «Сиздан ишорат».
11.20 «Ракурс».
11.40 «Камолот».
12.00 «Кинонигоҳ».
13.40—14.40 «Спорт қитъаси».

***

18.00 «Мультдаста».
18.20 «Жозиба».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Норизо ва ношукурлар» туркумидан. Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Олтин кент».
20.05 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми»
Дам олиш дастури:

21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.15—23.55 Видео — «О».

III

16.55 Дастурнинг очилиши.

*

Россия жамоат телевиденеси
17.00—21.35

*

21.35 «Жонли сайёра».

*

Россия давлат телевиденеси
22.00—22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Мусиқа — ҳамма учун».
23.00 — 23.10 «Қирговуллар». Телефильм.

IV

9.00 «Шанба эртаги».
10.00 Эълонлар.
10.05 «Комедиантлар».
10.25 «Клип-антракт».
10.30 «Спектаклдан сўнг».
10.55 Эълонлар.
11.00 «Клип-антракт».
11.05 Кининг олтин асри. «Графиня Коссель». 2-серия.

*

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Олам ва одам».
20.30 «Рақслар қанотида».
21.00 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.05 «Комедиантлар».
21.25 Эълонлар.
21.30 «Беш дақиқа ўзинг учун».
21.35 «Хит-коллекция».
21.50 Эълонлар.
21.55 Кининг олтин асри. Луи де Фюнес «Бойларнинг ахмоқона қилиқлари» фильмида.
23.35 «Бу ажиб дунё».
23.50 «Жилет-спорт».
00.20—00.30 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 10

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
11.40 М. Бобоев. «Кунгил кўчалари». Видеофильм. 15-куй.
12.20 «Нурли келажак». Видеоканал.
13.20 Ҳайдар Муҳаммад. «Жиноят устида ушлансин». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
14.40—15.10 Эстрада тароналари.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ҳамёндаги муъжизалар ёки...»
18.15 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
19.05 «Келгуси ҳафтада».
19.15 «Туҳфа».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бир ўлка-ки...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Буюк келажак сари».
21.25 Илҳом сатрлари.
21.30 Бу мунис лаҳзалар.
21.50 «Шаҳс ва баҳс».
22.15 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 16-куй.
22.55 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Финал.
01.30 Тунги тароналар.
01.40—01.50 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультдаста».
9.20 «Жозиба».
9.30 «Олтин кент».
9.40 «Жозиба».
10.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
10.35 Видео— «О».
12.15—14.00 «Спорт қитъаси».

***

18.00 Бугун ТВ-2 дастурида.
18.05 Эълонлар.
18.10 «Даракчи».
18.20 «Мульти-пульти».
18.45 «Таманно».
18.55 «Дармон».
19.05 Мулоҳаза учун мавзу.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 Видео янгиликлари.
20.20 Дилором наволар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Мухлис».
21.25 «Норизо ва ношукурлар» туркумидан. Телесериал.
22.05 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.45 Видео — «О».
00.20—00.25 Дастур ниҳояси.

III

18.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия давлат телевиденеси
18.05—19.00

*

19.00 «Бобур». Телефильм.

*

Россия жамоат телевиденеси
19.10—21.45

*

21.45 Ички Ишлар вазирлиги оркестрининг концерти.
22.15 Эълонлар.
22.20—22.45 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!»
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Эртакларнинг бу сехрли олами».
11.20 Эълонлар.
11.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари.
11.55 «Парле ву франсе?»
12.25 «Жонли сайёра».
12.45 «Афсоналар ва ҳақиқат». Ҳужжатли кино.
13.25 «Иштирок этувчилар».
13.55 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
14.25 Киносалон. «Интиқом куни». Бадиий фильм.
16.25 «Дарвоқе».
16.50 «Сенинг вақтинг».
17.20 «Мультқарусель».
17.35 «Телеташриф».
17.45 Эълонлар.
17.50 «Мусиқий Олимп».

*

18.10—19.45 Туркия телевидениеси.

*

19.45 Эълонлар.
19.50 «Клип-антракт».
20.00 «ТВ IVда етти кун».
20.15 «Биргалашиб қўйлайлик».
21.00 «ТВ IV да етти кун».
21.15 «Туризм-ревю».
21.45 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
22.15 «Голливуд-рок». Ёшлар учун мусиқий курсатув.
22.40 Киносалон. Пьер Ришар «Ўйинчоқ» фильмида.

Внимание руководителей автопредприятий! Ташкентский филиал АО УзАСК «Йўловчи» предлагает ЗАПЧАСТИ на автомобили

	Наименование продукции	Ед-ца измер	Количество	Цена за ед-цу
АВТОЗАПЧАСТИ	ГАЗ-24			
	Фильтр маслянный	шт	390	100
	Втулки резбовые с болтами (на 1 автомобиль)	к-т	25	1980
	Накладки сцепления	шт	20	64
	Шаровые пальцы рулевых тяг (на 1 автомобиль)	к-т	15	2889
	Сальник удлинителя КПП	шт	111	100
	Вкладыши шатунные (все размеры)	к-т	10	1250
	Вкладыши коренные (все размеры)	к-т	10	1250
	Фартук передний	шт	36	800
	Панель задняя	шт	55	1000
	Стойка передняя	шт	13	500
	Лобовое стекло (завод БОР)	шт	24	3600
	ГАЗ-53			
	Клапан впускной	шт	43	206
	Клапан выпускной	шт	36	206
	Кардан в сборе Г-52	шт	17	9000
	Вкладыши коренные (все размеры)	к-т	20	1200
	Вкладыши шатунные (все размеры)	к-т	20	1200
	Прокладка головки блока	шт	80	540
	Диаграфма бензонасоса	шт	150	144
	Выжимной подшипник	шт	20	1200
	Распределитель зажигания Р-137 (электронн)	шт	12	3960
	ЗИЛ-130			
	Прокладка гол.блока	шт	96	495
	Крестовина в сборе	к-т	64	500
	Кольца поршневые Р-100.5	к-т	245	720
	Кольца поршневые Р-101.0	к-т	263	720
	Шкворня	шт	46	840
	Втулки шкворней	шт	2519	30
	Поршень (стандарт)	шт	126	700
	Синхронизатор 4-5 передачи	шт	10	2160
	Катушка зажигания Б-117	шт	11	2760
	Катушка зажигания Б-116	шт	1	2760
	Шестерня первой передачи	шт	11	1050
	Синхронизатор 2-3 передачи	шт	53	2430
	Накладки тормозные передние	шт	189	130
	КАМАЗ			
	Прокладки клапанной крышки (на 1двигатель)	к-т	95	1480
	Вкладыши шатунные (все размеры)	к-т	63	3800
	Вкладыши коренные (все размеры)	к-т	63	3800
	Фильтр воздушный	шт	27	2885
	Клапан тормозной (тройной)	шт	12	1100
	Клапан тормозной (двойной)	шт	12	950
	Плунжерные пары	шт	167	2520
	Распылитель	шт	233	960
	Накл. тормозные (задние)	шт	301	270
	Фильтр масленный	шт	787	250
	Ремень 1320	шт	514	280
	Фрикционные накладки (со стружой) А/С	шт	1368	300
	Датчик электроспидометра МЗ-307 (12-24в)	шт	30	1392
	Выжимной подшипник	шт	30	2184
	Кольца поршневые	к-т	5	10500
	Ремкомплект ПГУ	к-т	20	1440
	Ремкомплект ТНВД	к-т	10	1920
	МАЗ			
	Накладки тормозные ЛИАЗ,ЛАЗ,ИКАРУС,(зад)	шт	960	350
	СУПЕРМАЗ (зад)			
	Накладки тормозные МАЗ-500 3502105 (зад)	шт	205	300
	Плунжерные пары	шт	105	1320
	Фрикционные накладки	шт	1334	400
	Распылитель	шт	280	540
	Сальник коленвала ЯМЗ	шт	55	460
	КРАЗ			
	Прокладки головки блока ЯМЗ-238	шт	50	1560
	Накладки тормозные МАЗ-200 3502105 АС	шт	1100	180

Паронит ПОН -толщина 0,4; 0,6; 0,8; 1,0; 1,5; 2,0;3,0; 4,0 мм
Паронит ПМБ - толщина 0,8; 1,0; 1,5; 2,0 мм
Асботакани: АТ-1, АТ-3. Асбошнур d-18 мм

Оплата по перечеслению и векселями по договоренности.
Адрес: г. Ташкент, ул. Айбека, 47.
Тел: (3712) 54-93-07. Факс: (3712) 54-76-31.